

БАХТИНИ
МЕҲНАТДАН
ТОПДИ

2-бет



ЯШИЛ
БОЙЛИКЛАРНИ
АВАЙЛАБ-
АСРАЙЛИК

4-5-бет



ҲУНАР —
ҚАЙНАР БУЛОҚ,
ТУГАНМАС
ДАВЛАТ

6-бет



ОММАВИЙ
СПОРТ
ТУРЛАРИ
МУСОБАҚАСИ

7-бет

ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 128 (9.931)

2003 йил 2 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, бу жараён халқаро миқёсда эътироф этилаётганини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бугунги кун даражасини ҳамда келгуси тараққиёти омилларини инобатга олган ҳолда, ҳақон амалиётида қўлланилаётган юқори технология ва илгор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашувини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан «Устоз» республика жамғармаси бирлаштирилсин ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази,

тасарруфиди олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага ҳомийлик қилиш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Ҳомийлар таркибини чет эллик иш-тирокчилар ҳисобига кенгайтириш ҳақидаги тақлифларни қўриб чиқиш Жамғарма бошқаруви зиммасига юклатилсин.

3. Куйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодиётимиз тармоқларининг ривожланиши даражасини жаҳоннинг энг илгор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда чуқур тарихий илдишларга эга ва республика-миз тараққиёти учун муҳим бўлган илм-фан йўналишларининг барқарор ривожланишини таъминлашда фаол иштирок этиш;

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча мамлакатларда
олиқанга бўлган хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Минтақавий экология маркази, Марказий Осиёда табиий захираларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича дастур ва Тошкентдаги «Яшаш муҳити» ахборот маркази ҳамкорлигида Тошкент вилоятида уюштирилган экологлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги мутахассислари, халқаро, ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ва журналистларнинг кўчма семинарида Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

• Тошкент ахборот технологиялари университетида битирувчи ёшларга магистрлик дипломининг топириш маросими бўлиб ўтди.

• Америка Қўшма Штатлари олий таълим муассасаларининг 9 нафар талабаси Қорақалпоғистон Республикасида таътилининг ўтказмоқда.

• Сибё туманидаги Фарход шаҳарчасида жойлашган «Афросиёб» йўллардан фойдаланиш бошқармаси ҳудудда янги асфальт заводи фойдаланишга топирилди. Мазкур корхона соатида 160 тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга.

• Чуст туманида Швейцариянинг DAIE фирмаси ҳамкорлигида 213 иш ўринга мўлжалланган «Чуст Голден Фрут» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

• Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги ширкат ҳўжалигида 5000 аҳолига хизмат кўрсатадиган шифохона фойдаланишга топирилди.

• Олтиариқ тумани галлакорлари давлат омборларида 24,5 минг тонна сара дон топириб, белгиланган шартномавий режани водийда биринчи бўлиб адо этишди.

Жаҳонда

• Европа Иттифоқи раҳбарияти ўзгарди. Эндликда ташкилотга раислик қилиб келган Греция ўрнига Италия кейинги ярим йил давомида ЕИга раҳбарлик қилади.

• Кечадан бошлаб Европа Иттифоқида аъзо давлатларда киноэтичларга нисбатан қўлланиб келинган ўлим жазоси бекор қилинди.

• Халқаро кураш ассоциацияси қароргоҳига Океаниядан хўшхабар келди. Папуа Янги Гвинея мамлакатидеда ўзбек кураши бўйича миллий федерация очилди.

• Филиппинда ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасида содир бўлган қуроли тўқнашув натижасида 13 нафар аскар ҳамда исёнчилардан биттаси ҳалок бўлди.

• Франция ва Германия биргаликда дастлабки «Европа ҳудудий округи»ни ташкил қилишга келишиб олишди.

• Жазиорда авиация транспорти ҳалокати юз берди. Ўқув машини бажарётган «Геркулес» ҳарбий-транспорт самолёти турар жой биносига устига кулаб тушди. Натижада 15 киши ҳаётдан кўз юмди.



ВАТАН КАБИ АЗИЗ ТИМСОЛ

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига
11 йил тўлди.

Мамлакатимиз парламенти 1992 йил 2 июлда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонунда Давлат герби мустақиллигимиз рамзи экани ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйилиши билан бирга, унинг қандай кўринишга эгаллиги аққол ифодаб берилган.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари қийғос очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра кўёш заррин нурларини сочиб туради.

Гербининг юқори қисмида саккизбурчак, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз, марказида Хумо қуши тасвирланган. Пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Биз учун суюқ ва буюқ ана шу ёрқин тасвирдаги ҳар

бир чизик, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маънолар мужассам.

Гербада ўз ифодасини топган жаннатмўнаанд диёримиз ҳўсн-тароватига ишорат этувчи манзаралар — тоғ, дарё, бугдой бошоғи, гўза ва чаноқлар ёки халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидлари ифодаси — кўёш, ярим ой, юлдуз, жамиятимиз жипслиги белгиси — мусамман, яъни саккиз қиррали юлдуз, шунингдек, омад, қиммат, олижаноблик, эрксеварлик ва фидойилик рамзи бўлган афсонавий Хумо қуши — буларнинг барчаси миллатимиз, халқимиз ҳаёти, тарихи, руҳияти ва аънаёлари билан чамбарчас боғлиқ тимсоллардир.

Гербимизда марказий ўрин тутувчи Хумо қуши рамзини олиб қўрайлик. Манбаларга қараганда, халқимиз Хўмонни азалдан давлат қуши сифатида тасаввур қилиб келган. Заминимизда неча минг йиллар

илгари пайдо бўлган афсоналарда Хумо гўзал қуш қиёфасидаги бахт, тақдир ва бадавлатлик тимсоли ҳисобланган.

Шу маънода, Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирган Гербимиз жонажон Ватанимизнинг бектакор тимсоли, ўзига хос ва ўзига мос давлат рамзларидан бири бўлиб қолгани бежиз эмас.

Давлат герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғоз ва облигацияларда, фуқаролик паспортларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилган.

Мамлакатимизда давлат рамзлари, шу жумладан, Давлат герби ҳам қонун билан муҳофаза қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Давлат рамзларига бўлган муносабатимиз, биринчи галда, шу рамзлар тўғрисидаги қонунарни пухта ўрганиш ва уларга сўзсиз амал қилишимизда янада аққолроқ намоён бўлади.

Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг қатта-кичиклигидан қатъи назар, қонунда тасдиқланган тасвирига мос бўлиши керак. Бу, ўз навбатида, Гербини нафақат ўрнатиш ёки тасвирини тушириш, балки тартиб этиш жараёнида ҳам уни қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этишни тақозо қилади.

Ўзини мана шу табаррук замин фуқароси деб билган, ўз мамлаката, халқи билан чексиз фахрланган ҳар бир инсон Гербимизни, шу сингари бошқа бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини Ватанимиз каби азиз ва муқаддас деб эътироф этиши, эъзозлаши тайин.

Ҳамюртларимизнинг Ватан тимсолларини бундай эъзозлаши, Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, демакдир.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИстиқболли ёш педагог ва илмий
кадрлар малакасини ошириш
ва тажриба алмашув тизимини
такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

дунёда эътироф этилган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг очилиши ва юксалишига кўмак бериш;

мамлакат олий таълим ва илмий муассасаларида педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларнинг Жамғарма грантлари асосида тараққий топган давлатларнинг илгор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириши ҳамда мақсади тажриба орттиришига, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига кўмаклашиш; ҳомийлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг инвестицияларини ёш педагог ва илмий кадрлар билимларини чуқурлаштириш ва малакасини ошириш жараёнига фаол жалб қилиш;

истеъдодли ёш педагог ва илмий кадрларнинг замонавий илгор билимлари, жаҳон даражасидаги илмий ва технологик тажрибасини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этиши таъминлаш, уларнинг педагогик ва илмий фаолияти мониторингини узулсиз олиб бориш.

4. Жамғармининг низоми ва тузилмаси тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ва «Устоз» республика жамғармасининг ҳуқуқий вояси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш

«Умид» жамғармаси ва «Устоз» республика жамғармаси бир ой муддатда белгиланган тартибда ўз ихтиёридаги асосий фондлар ва молиявий маблағларни «Истеъдод» жамғармаси балансига ўтказсинлар.

6. Жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) барча тўловларидан ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсис баддаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқариладди.

7. «Ўзтелевидео» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситаларига Жамғарма фаолиятини кенг қўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси ҳамда имтиёзли Интернет тармоғи билан таъминласин.

9. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмалой кўчаси, 171-уйдаги бинога жойлаштирилсин ва ушбу бино Тошкент давлат иқтисодиёт университети балансидан Жамғарма балансига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Жамғарманинг биносини 2003 йил 1 ноябргача таъмирлаш юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 сонли фармони ва 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869 сонли фармонининг 4-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 22-сонли ва 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худайбергенов ва Т.Рисқиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 июль.

Ўшанда баҳорнинг гуллари қийғос очилган кунлар эди. Дониёр ҳуш кайфиятда тиббиёт назоратидан аъло ўтди. «Пахтакор» метро бекатида ўриндошидан ҳаракат таркибини қабул қилиб олди. Ер остининг яшил вагонлари Амир Темура бекатига гурил-лаб кириб келди. Дониёр вагонлар эшигини очиб учун қизил «туғмачани» босди, назорат чироклари носозлик белгиларини кўрсатди, эшиклар ҳам очилмади. Машинасти яна такрорлади, иккинчи вагоннинг биринчи эшигининг қизил лампочкалари ёнди.

• ТРАНСПОРТ

Метрода бахтини топганлар

Нохуш воқеани кузатиб турган хушрўйгина бекат навбатчиси машинист-йигит томон яқинлашди. Дониёр иккинчи вагоннинг биринчи эшигини қўл билан бир оз силжитиб юборишини илтимос қилди. Навбатчи бу илтимосни бажонидил бажарди. 4 та метро вагонининг эшиклари шарақлаб очилди. Гурра-гурра вагондан тушаётган ва уларнинг ўрнини тўлдирётган йўловчиларнинг юзиде табассум. Кўнгилсиз воқеани бартараф этган навбатчи кулгидан ўзини тўхтади олмай машинасининг ёнига келди, эшиклар очилган йўлга аёллар туфлисининг илгичка пошнаси тикилиб қолганлиги ҳақида «техник» маълумот берди...

Кунлар ортидан оёлар ўтди. Дониёр Амир Темура бекатига келганида ҳаяжонланиб кетар, ўша «халоскор» навбатчи қизнинг нигоҳини метро вагонининг кўрсаткич ойналари орқали кўришга ошиқарди. Шундай ҳам бўлди. 1996 йилнинг қиш-қировли декабрь ойига қарамай метрочилар Дониёр ва Лолахонларнинг нигоҳ тўйларини тантанали ўтказдилар ва ёш, янги оёлага яхши истаклар билдирди.

— Умрнинг оқар дараёга қийёсла-ниши тўри экан. — Лолахон билан яхши ниятлар, орзу-умидлар оғушида бир ёстиққа бош қўйганимизга 7 йил бўлса ҳам худди кечагидек бир-биримизни еру-қўкка ишонмаймиз. Ишда омадли бўлиш-имда Лолахоннинг ўзига яраша муносиб ҳиссаси бор. Бунинг устига 3 нафар фарзандимизни ҳам воёга етказмоқдамиз. Ниятимиз зурриётларимиз ота-онаси изини босса, қувончимиз чексиз бўларди, — дейди машинистлар мураб-бийси Дониёр Ҳамидов.

Ўқувчилик давридаёқ «Ким қандай касб танлади?» деган эркин

мавзуда ёзилган иншода Дониёр: «Мен албатта машинист бўлман» деб ёзганлари ханузгача ёдида. 1986 йилда 8-синфни битириб, Тошкент темир йўллар билим юр-тига ҳужжатларини расмийлаш-тирган йигит уни яхши баҳолар билан битириб аскарлик хизмати-га отланди.

Йигитлик бурчини адо этиб келган Дониёр Ҳамидов 1991 йилда метрополитенга машинист ёрдამчиси касбига ишга қабул қилинди ва шу билан бирга 6 ойлик курсда касб-хунарини янада такомиллаштирди. Ҳозир-да Чилонзор электр депоси та-сарруф бўлимининг бошлиғи Рустам Сиббагуллин, шу депо раҳбари Рашид Ҳўжаев ва етак-чи машинист Комил Отабеков тиришқоқ ва интилувчан йигитга устозлик қилдилар.

Йўловчи ташиш жараёнини та-комиллаштиришда, ҳаракат тар-кибларидан янада омилкорлик би-лан фойдаланиш, йўналиш қоида-ларига итоат этиш, касб формаси-ни озода қийиш, ўзининг кўрини-шини маданий ҳолатда сақлаш, вақтида дам олиш, касб маҳорати-ни мунтазам ошириш муҳим аҳамият касб этади. Дониёр ана шу хислатларни ўзининг намунали иш тажрибасида ҳамкасбларига ошкор этиб раҳбарлар назарига тушди. Шундай қайрат ва шижоат-га бой йигитни мураббий этиб тай-инлашганда, Дониёр аввал рози-лик бермади. Устозларнинг «Қий-инчиликлардан кўрқма, биз сен би-лан қўш қанотимиз, дадил бўл», — деган қўллаб-қувватлашлари ёш мураббийга далда-қувват бўлди. Ниҳоят, 11 йил метро вагонини моҳирлик билан бошқарган До-ниёр ёшларга машинистлик касби-ни кунт билан ўргатишга рози бўлди.

Фаттох АБДУРАҲИМОВ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида Бош вазир ўринбосари Р. Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси раҳбари Э. де Врайер иштирокида Ўзбекистон ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ва-киллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳ-бари Э. де Врайер Ўзбеки-стонда 2003 йилнинг бирин-чи ярим йиллигида макро-иктисодий барқарорликка эришиш, чунончи, пул-кре-дит ва фискал-бюджет сиё-сатини такомиллаштириш йўли билан инфляцияни янада пасайтириш, олтин-ва-люта захирасини қўйайти-риш, шунингдек, конверта-циядан фойдаланиш имко-ниятини кенгайтириш бора-

сида сезиларли ютуқларга эришилганини таъкидлади.

Шу муносабат билан ХВЖ вакили валюта айрибошлаш курслари деярли бир хиллаштирилганини таъкид-лади.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республи-каси ҳукумати ва Марказий банк томонидан ХВЖ мис-сияси билан маслаҳатлаш-ган ҳолда миллий валюта-мизнинг жорий халқаро операциялар бўйича та-

вертация қилинишини таъ-минлашга доир ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилгани ҳақида маълумот берилди. Ушбу режанинг муваффақи-ятли амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси-га 2003 йилнинг ноябрь ойи охиригача Халқаро ва-люта жамғармасининг Жо-рий халқаро операциялар бўйича конвертацияни жо-рий қилиш масалалари тўғрисидаги моддалари битимининг VIII моддаси та-

лабларини қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, матбуот анжу-манида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкам-лаш иқтисодиётнинг асосий жаҳалари, айниқса мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, аг-рар сектор ҳамда капитал қурилиш соҳасида тузилма-вий ислохотларни чуқурлаш-тириш учун асос яратгани ҳам қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов ва ХВЖ миссияси раҳбари Э. де Врайер Ўзбекистон ва хори-жий оммавий ахборот воси-талари вакилларининг са-волларига жавоб берди.

Суд жараёни
яқунланди

Республика Олий судида «Ўзбеки-стон ҳаво йўллари» Миллий авиаком-паниясининг Ҳаво алоқалари Бош агентлиги собиқ директори Ф. Кадер-меев ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича суд жараёни яқунланди.

Суднинг ҳукмига кўра Ф. Кадерме-ев ва бошқалардан иборат уюшган жиноий гуруҳ аъзолари 1997-2002 йиллар давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг жуда кўп миқдордаги мулкни талоқ-торож қилиш, фирибгарлик, Ўзбеки-стон Республикаси манфаатларига хи-лоф равишда битим тузиш, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаш, сав-до ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, мансаб ваколатини суистеъ-мол қилиш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш ва пора бериш жиноятларини содир қилганликда айбли деб топил-дилар.

Суднинг ҳукми билан жиноий гуруҳ аъзолари қилинмишга яраша турли муддатларга озодлиқдан маҳрум қилиш ва бошқа жазо чораларига ма-ҳкум этилдилар.

Дастлабки тергов даврида ва суд жараёнида айбдорлардан жиноят оқибатида етказилган ўнлаб миллион сўмлик моддий зарар ундирилди.

Олий суд матбуот хизмати.

Физикларимиз тадқиқотлари — инглиз тилида

Германияда ўзбек олимларининг «Суоқликлар физикасида даврларга бўлиниш» мавзусидаги дарслиги нашрдан чиқди. Инглиз тилида чоп этилган мазкур китоб муаллифлари — таникли ўзбек олимлари Пўлат Ҳаби-буллаев ва Абдулла Саидов.

Қўлланмада физикага оид энг мурак-каб жараёнлар чуқур таҳлил қилинган. Жами ўн бобдан иборат мазкур китобда 73 расм ва 15 тушунтириш чизмаси берилган.

Китобнинг аҳамияти шундаки, унда суоқликлар физикасининг назарий ва

амалий асослари янги услублар орқа-ли талқин этилган.

Хорижлик мутахассислар назарига тушиб улгурган китоб Германиянинг «Springer» илмий нашриётида нашр этилди. Йилига икки минг тўрт юзтага-ча илмий қўлланма чиқарадиган бу

нашриёт бутун дунёга илмий адабиёт тарқатади.

Ўзбекистонлик олимларнинг китоби «Springer»нинг он-лайн каталогидан жой олди. Монография билан Интернет тар-моғи орқали ҳам танишиш мумкин.

ЎЗА

«Тошкент
оқшоми»**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва
итоаткорлик – ҳаёт мезони**(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий
масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**IV бўлим. Мажбурият
ҳуқуқи ҳамда шартнома
муносабатларига
тааллуқли масала
ва муаммолар ечими****1- боб. Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини
белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишнинг
шартнома асосидаги муносабатлари****4.1. Олди-сотди шартномаси****103. Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасини рас-
мийлаштиришда нималарга эътибор қилиш керак?**

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулк-
ни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино,
иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига
мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартнома-
сига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик
ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда шу кўчмас мулк жой-
лашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкаси-
нинг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Уйни, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini
сотиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ҳамда уй-жойлар-
ни ҳисобга олиш ва назорат қилиш инспекциясида рўйхатдан
ўтказилиши лозим. Бу шартларга риоя қилмаслик олди-сотди
шартномасининг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма
шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади, унинг шаклига риоя
қилмаслик мазкур шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб
бўлади (**Фуқаролик кодексининг 480-моддаси**).

Шартнома бундай йўналиш олган тақдирда, яъни у ҳақиқий
бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига шартнома
бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарс-
ани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фой-
даланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан иф-
доланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар
шартнома ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда
назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўла-
ши шарт.

**104. Олди-сотди шартномаси тарафлари ўртасидаги
ўзаро ҳисоб-китоб қандай амалга оширилади?**

Муайян кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича қилишувга эри-
шилгач, тарафларнинг – сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги
ўзаро ҳисоб-китоб билан боғлиқ ҳаракатлар: бай пулини,
кўчмас мулк қийматининг бир қисmini ёки ҳаммасини бе-
риш тегишли тилхатлар билан расмийлаштирилади.

Кўчмас мулкни бошқаларга топширишда у ёки бу миқдор-
да сумма берилганлиги ва олинганлиги тўғрисидаги тилхат-
лар йўқлиги низо чиққан тақдирда давло талабларини қон-
диришни рад этиш учун асос бўлиши мумкин (**Фуқаролик ко-
дексининг 109-моддаси**). Гувоҳларнинг пул суммалари
олинганлиги, берилганлиги тўғрисидаги кўрсатмалари далил
ҳисобланмайди. Фақат белгиланган тартибда ёзилган тегиш-
ли тилхатларгина далиллар қаторига қўшилади. Агар бунда
пул олди-бердиси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ор-
тиқроқ суммани ташкил этадиган бўлса, бундай ҳуқуқий му-
носабатларни нотариал тарзда расмийлаштирган афзал.

**105. Олди-сотдининг тарафлар ўртасида қилишув йўли
билан, аммо нотариал тасдиқланмаган ҳолда ҳал этили-
ши ҳуқуқий жиҳатдан қандай оқибатларга сабаб бўла-
ди?**

Кўчмас мулкни сотишни тарафлар ўзаро қилишув асоси-
да, аммо нотариал тасдиқланмаган ҳолда амалга ошириши
сотиб олувчининг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқига эга бўли-
ши борасида ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Борди-ю олди-сотди барибир шу йўсинда амалга оширил-
ган, сотувчи эса олди-сотди шартномасининг нотариал тасдиқ-
латишдан асоссиз бош торган бўлса ёки у Ўзбекистон Рес-
публикаси ҳудудидан ташқарига жўнаб кетганлиги сабабли
тасдиқлатишнинг илоҳи бўлмаса, сотиб олувчи шартномани
ҳақиқий деб эътироф этиш тўғрисида судга давло билан муро-
жаат этишга ҳақли (**Фуқаролик кодексининг 112-моддаси**).

(Давоми бор)

Мазкур тизим пул ўтказмаларини ер
юзининг исталган нуқтасига, 15 дақиқа
ичида бажариш хусусида мижозга кафолат
беради. Мижоз эса фақатгина паспорти
билан хизмат кўрсатиш шохобчасига кели-
ши, ўтказма бланкини тўлдириши, айна
вақтда тариф сеткасига кўра муайян пул-
ни тўлаши лозим бўлади, ҳолос.

Ўзбекистон фуқароси бўлган жисмоний
шахс фақат ўзининг чет эллардаги яқин
қариндошларигагина пул ўтказмасини
юбориш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун ҳам
мижоз, паспорти-
дан ташқари ана
шу қариндош-
уруғчиликни тас-
диқлайдиган ҳуж-
жатларнинг нусха-
сини кўрсатиши
зарур бўлади (ту-
тилганлик ҳақида-
ги гувоҳнома ёки
ниҳоддан ўтилган
ҳақидаги ҳуж-
жат)

Мазкур тизим
ўтказманинг бата-
мом хавфсизлиги-
га ва пул эса сиз
кўрсатган тайин-
ли одамнинг
қўлига тегишига
кафолат беради.

«Western Union»нинг ўтказ-
маси яна шу жи-
ҳати билан қулай-
ки, мижоз пулни
жаҳондаги истал-
ган мамлакатга ўз
номига жўнатиши
ва ўзи учун қулай
бўлган фурсатда,
масалан, чет элга
сафар қилганида
олиши мумкин. Агар унинг режалари ўзга-
риб қолгудек бўлса, мижоз бу маблағни
«Western Union»нинг исталган шохобчаси-
га қайтариши мумкин. Тизим қўшимча ҳақ
олиб, телеграф ёки телефон орқали ёзма
хабар бериш, лўндагина билдиришнома
юбориш, пул ўтказмасининг суммаси ёзил-
ган чекни етказиб бериш хизматларини
ҳам тақлиф этарди.

«Western Union» тизимидаги пул ўтказ-
малари Ўзбекистонда қисқа муддат ичида
маълуму машур бўлиб кетди. Лекин «Биз-
нес Банк»нинг бу бозордаги «якка ҳоким-
лиги» 2002 йилнинг январгача қадар давом
этди. Шу пайтга келиб, ЎзР ТИФ Марказий
банкни ўзининг бир қанча филиалларида
шунга ўхшаш тизимни жорий этди.

Ҳозирги вақтда «Western Union» тизими-
да пул ўтказмаларини «Ўзўйжамгарма-
банк», «Ҳамкорбанк» ва Халқ банки амалга
оширмоқда.

Ўзбекистондаги «Western Union» қатнаш-
чилари ўртасида шиддатли рақобат кура-
ши «Ипак йўли» акциядорлик инновация
тижорат банки ва «Алп Жамол банк» хусу-
сий очик акциядорлик тижорат банкни тез
пул ўтказмаларининг «Western Union»га
ўхшаш, лекин самарадорликда ундан
қолишмайдиган «MoneyGram» тизими

(2002 йилнинг май ойи) мурожаат қилиш-
га мажбур этди.

Ҳозирги вақтда «MoneyGram international
Ltd» компанияси қўлида жисмоний шахс-
лар учун пул ўтказмаларининг бутунжаҳон-
ни қамраб олган тизими бор. Унинг жа-
ҳондаги 150 мамлакатда 40 мингта вако-
латхонаси мавжуд. Ўзбекистон ана шу ти-
зимдаги 151-мамлакат бўлди.

«MoneyGram» тизими технология нуқтаи-
назаридан оладиган бўлсак, «Western
Union»га ўхшашдир. Ўтказма тайин этилган

одамга 10-15
дақиқа мобайни-
да етиб боради,
шунингдек, ташқ-
аридан бўлади-
ган ноҳуш хуруж-
лардан ҳимояла-
ниш даражаси
ҳам баланддир.
Авалги тизим-
дан фарқли ра-
в и ш д а
«MoneyGram» ор-
қали пул ўтказма-
си юборилаётган
нида мижоз 10
сўздан иборат
хабарни ҳақ
тўламасдан жа-
тиш имконияти-
га эгадирки,
буни ўзига хос
«MoneyGram» и
десак бўлади.

Ва ниҳоят Ане-
лик деб аталмиш
халқаро пул
ўтказмаларининг
учинчи тизими
Ўзбекистонда
2002 йилнинг апр-
елида ойда
«Ўзприватбанк»

томонидан жорий этилди. Шохобчаларнинг
инфратузлима тармоғига пойтахтимизда-
ги банкнинг бош офисида жойлашган бит-
та шохобча ва республиканинг 12 шахри-
даги шохобчалар қиради. «Тадбиркорбанк»
«Ўзприватбанк» билан шартнома тузиб,
Анелик тизими бўйича ўтказмаларни амал-
га оширади.

Анелик тизими тайинли шахс 3 соат мо-
байнида пулни олишига кафолат беради.
Агар буни 10 дақиқага таққослайдиган
бўлсак, муддат анча узайгандек, лекин бу
ноқулайлик жўнатилаётган ўтказмаларнинг
таннари қалғиги туфайли ўзини анча
оқлайди. Анелик тизимидаги тариф ўтказ-
маларнинг ҳар қандай суммаси 3 фоизга
тенгдир.

Мижозга қулай бўлмоғи учун ўтказмани
олиш ва жўнатиш бланкини тўлдириш ва
расмийлаштиришни банк оператори ўз зим-
масига олади. Бутун жаҳонда ва айниқса МДХ
ва Болтиқбўйи мамлакатларида хизмат шо-
хобчалари ортиб кетганини ҳисобга олади-
ган бўлсак, Анелик тизими биз юқорида
тилга олган икки тизим билан рақобат
қилишга қодирдир.

Рустам ҚАРШИБОВ,
Тошкент молия институти 2-курс
магистранти.

• ҲАМКОРЛИК**Қўшма кафедра очилди**

Россиянинг Санкт-Петербург фуқаро авиацияси академияси самолётсозлик йўна-
лишида кенг қўламли тадқиқот ишларини олиб бормоқда. «Ҳаводаги ҳаракатларни
бошқариш» борасидаги илмий-амалий изланишлар ҳам самарали бўлмоқда.

Айнан шу масалага оид
йўналишда Тошкент Давлат
авиация институтида ҳам
ўқув жараёнилари йўлга
қўйилди. Бунда Санкт-Пете-
бург академиясининг тавсия-
лари ва орттирган бой таж-
рибаси қўл келмоқда. Мана
бир неча йилдирки, олий ўқув
юрти мазкур академия билан
ҳамкорлик қилиб келмоқ-
да. Институтида масофавий
ўқитиш жараёнини ташкил
этишда ҳам бу алоқалар му-
ҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни айтиш жоизки, ака-
демия билан қўшма кафедра
очиш масаласи ижобий ҳал
бўлди. Мазкур кафедра «Ҳаво
ҳаракатини бошқариш» мав-
зусида машғулотлар олиб
бориш ҳамда тадқиқотлар
ўтказиш масалалари билан
ҳам яқиндан шуғулланади.

Институтининг кадрлар ма-
лакасини ошириш ва қайта
тайёрлаш факультети ҳам
академия билан ҳамкорлик
шартномасини имзолади.
Ўзаро қилишувга биноан

олий ўқув юрти академия
билан биргаликда «Транс-
портда йўловчи ташиш ва
бошқаришни ташкил этиш»,
«Иктисодиёт ва транспортда
бошқариш» йўналишларида
талабаларга билим бериш
машғуллотлари ҳам уюшти-
рилмоқда.

Бундан ташқари факуль-
тетда «Мехнатни муҳофаза
қилиш ва ёнган хавфсизли-
ги» бир ойллик ўқув курси
ташкил этилди.

Анвар АЛИБОВ

Табиат инсонга инъом этган буюк неъматлардан бири — ҳаётдир. Инсон ер юзини кўз очиб кўрган куниданоқ, то умрининг охиригача она заминда яшаб умр кўради. Ҳаёт эса мусаффо ҳаво, теварак атрофда ўсувчи ўсимлик, гиёҳ ва кўкатлар, шилдираб оқаётган зилол сувлари, кўкдан ўз меҳрини сочиб турган қуёшнинг заррин нурларидир. Шунинг билан туриб баъзан ер кўррасидаги барча тирик мавжудотлар учун уларнинг энг олий маҳсули бўлган инсонлар учун ҳам табиат нақадар буюк аҳамиятга эга эканлигини унутиб қўямиз. Табиат азалдан шундай яралган, у кейинчалик ҳам шундай бўлиб қолаверади, деб ўйлаган кишилар хато қилишади. Ҳозирги кунда саховатли табиатни кўриқлаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш жаҳон оммаси олдида турган энг муҳим муаммодир.

ТАБИАТ — ҲАЁТ МАНБАИ, УНИ АВАЙЛАБ-АСРАЙЛИК

Табиат битмас-туганмас бойлик манбаигина эмас, балки нафосат кони ҳамдир. Табиатдан завкланмаган, унинг зилол сувларидан маънавий озиқ олмаган инсон йўқ. Шунинг учун ҳам ёз келиши билан биз кўпчила шаҳардан ташқарига — соя-салқин жойларга, тоғ этакларига, дарё ва сой бўйларига ошиқамиз. У жойда сувнинг шилдираб оқишини, унинг нафис шабадасидан баҳраманд бўлишимиз келади. Шу маъсадда кўпчила ёр-биродарларимиз билан шанба ва дам олиш кунлари Тошкент вилоятининг сўлим манзилларига шошамиз. Бу яхши албатта. Табиат саҳийлик қилиб ондакек бизни ўз бағрига қорлайди, «кел, дам ол, ўйна, кул, мусаффо ҳаво, зилол сувларимдан баҳраманд бўл» дегандек бизни ўз бағрига қорлайди. Афсуски, кўпчила табиатнинг ана шу саҳийлигига, саховатига, меҳрига нолойиқ муносабатда бўламиз. Дам олиб ўтирган соя-салқин манзилларимизни чор атрофини ўзимиз билан олиб чиққан шишалар, консерва қутилари, қоғоз, латта, полиэтилен буюмлари билан ифлослантириб, зилол сувларга қолдиқ таомлар ва супуриндиларни улоқтириб уларни ифлослантиришга сабабчи бўламиз.

Ота-боболаримиз азал-азалдан сувга ҳатто тулуришни гуноҳ ҳисоблашган, чиқиндиларни, ҳар хил буюмларни оқар сувга ташлашни лойиқ қўршмаган, шу билан сувларнинг мусаффолигини сақлашга ҳаракат қилишган. Биз баъзан ана шу аъёнларни унутиб қўяётгандек кўри-

намиз. Эндиликда ичимлик сувларини асраш, уни озода сақлаш чоралари давр талабига айланди. Ҳамшаҳарларимизни ичимлик суви билан таъминлашда «Сувсоз» трестининг ҳиссаси аҳамиятлидир. Пойтахтимиз аҳолисини ичимлик сувиغا бўлган талабини қондиришда «Сувсоз» Бўссув канали ва ер ости сув ҳавзалари асосий манбаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда ҳаммаси бўлиб 141 та ер ости қудуғи ҳисобга олинган. Улар ёрдамида истеъмолчиға сифатли сув етказиб берилади.

Бугунги кунда «Сувсоз» трести томонидан кўпгина профлактика ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини ҳам ҳисобга олмоқ фойдаланган бўлмайди. Ушбу трест балансидаги 319 та автотранспорт 2 та механизация ва автотранспорт таъмирлаш ишларини олиб боришда «Сувсоз»га яқиндан кўмак бермоқда. Шунга қарамай шаҳар бўйича бир нечта носозликлар ойлар давомида бартараф этилмай келинмоқда. Мисол учун «Кислород» заводи ёнидаги «Анхор» канални кесиб ўтган 1000 миллиметрлик сув қувуридаги носозлик ҳанузгача бартараф этилмаган. Шунга ўхшаш мисолларни шаҳримиз ҳаётидан жуда кўплаб келтириш мумкин. Бир суз билан айтганда табиат — ҳаёт манбаи, ундан тежаб тергаб фойдаланайлик.

Акмал РАСУЛОВ
Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат ноэри.

ҲАММАНИНГ ИШИ

Экология ҳозирги кунда кенг миқёсдаги муаммолардан биридир. Уни бартараф этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунини ва келажиги кўп ҳаётдан ана шу муаммонинг одилона ҳал қилинишига боғлиқ. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид қатор масалаларни факат бир мамлакат доирасида эмас, балки бутун сайёрамиз кўмағида ҳал этиш зарурлиги тақозо этилмоқда, сабаби экологик муаммолар ер юзининг барча бурчларида ҳам долзарблигига эришмоқда, факат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида турличадир.

Эсингизда бўлса 1972 йилнинг 5 июнида Рио-Де Жанейро шаҳрида ўтказилган давлатлараро анжуман экологик муаммолар, табиатни асраш масалаларига қаратилган эди. Шундан сўнг 5 июль ҳар йили Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида нишонланганидан бўлди. Мустақилликка эришилганидан сўнг, бизнинг республика-мизда ҳам бу кун байрам сифатида нишонлана бошланди.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бу кун-

ни ҳар йили ўзига таъйинлар-лик билан қўйиб олади. Иш фаолияти даврида кўмита Вази-рлар Маҳкамасининг, Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томо-нидан қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида иш олиб бори-моқда. Иш фаолиятимизда Тош-кент шаҳар ҳокимлигининг кўма-ги катта бўляпти. Масалан, шаҳ-римиз бўйича транспорт восита-ларининг янгиланиши, маиший чиқиндиларни йиғиш пунктлари-нинг қурилиши, магистраль йўлларининг кенгайиши, кичик

Халқа йўлларининг қурилиши ва бошқалар бевосита шаҳар ҳокимлигининг ёрдамида амал-га оширилмоқда.

Бугун Мустақил Ўзбекисто-нимизга, аниқроқ пойтахтимиз-га ташриф буюрган меҳмонлар шаҳримизнинг кўчаларининг до-дан, гуллар шаҳрига айлангани-дан, гўзаллигидан ҳайратга ту-шадилар. Шаҳарда янги-янги ча-манзорларнинг бунёд этилгани-дан биринчи навбатда экологик ва-зиятнинг тобора яхшиланаётга-нига сабаб бўлаётгани ҳамма-мизга маълум. Яшаб бораётган она юртимизга бўлган эзгу му-носабат ота-боболаримиздан қолган удумларимизнинг узвий давоми дейишимиз мумкин ва бу борада боболаримизнинг бизга насихат тарихида «Хон бўлсан-гда, гадо бўлсангда бог ярат, бир кўнмас бир кун мевасини тотар-сан» деб айтган ҳикматларини ёддан чиқармаслик керак.

А. МУҲАММАДЖОНОВ,
Д. СУЛТОНОВА,
ноэирлар.

ЯШИЛ БОЙЛИКЛАР — ШАҲРИМИЗ КҶРКИ

Шаҳримиз энг сўлим, яшил дов-дарахтларга бурканган масканлардан ҳисобланади. Унинг умумий майдони — 34,8 минг гектар бўлиб, шундан 15,5 минг гектари яшил ўсимликлар билан қопланган. Улар асосан шох кўчаларда, ҳибон ва истироҳат богларида, катта автомобиль халқа йўлларидан ўрин олган.

Шаҳримиз бўйича манзарали дарахтлар-нинг 22 хилдан 5 миллион туп экилган бўлиб, уларнинг сони йил сайин шумтол, эман, игна баргли арчалар, лола ва қоғоз дарахтлари каби нобў ўсимликлар билан тўлдириб бори-лмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиш ва ундан фойдала-ниш» Қонунининг 15-моддасига асосан ҳар қандай дов-дарахтларнинг кесилиши учун табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан мах-сус рухсатнома олиниши керак. Рухсатнома-лар эса дарахтларнинг ҳолатлари, санитар нормаларига биноан ёки шаҳар ҳокимлиги-нинг режали қурилиш майдонлари ва ком-муникация муҳандислик қурилмалари усти-дан ўтган тақдирдагина берилади. Холбуки, бундай пайтларда ҳам илҳом борица яшил бойликларни сақлаб қолиш чора тадбирла-ри қўрилади, лойиҳаларни ўзгартириш учун тақлифлар киритилади. Чораси топилмаган ҳолдагина, шунда ҳам табиатга зарар етка-

зиладиган бадал тўлов пулини ундириш ёки унинг ўрнига беш баравар кўп ёш ниҳоллар-ни экиб парваришлаш шарти билан бери-лади. Аксарият пайтларда баъзи корхона, ташкилот, муассаса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, богча, мактаб раҳбарлари ва фуқаролар Тошкентдан ўзбо-шмчилик билан ўз худудла-рида дов-дарахтларни кестириб ташлаш ҳоллари учраб туради, бундай ўзбо-шмчилик юз берган тақдирда кўмита но-зирлари Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 293-сонли Қарорига асо-сан ўша айбдор, фуқаро ва мансабдор шах-сларга «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»-ги Кодекснинг 162-моддасига асосан жарима солишади.

Масалан, шу йилнинг ўтган олти ойи ичи-да шаҳримизда ўттизга яқин ана шундай қондабузарликлар аниқланган. Мисолларга муурожаат қилайлик. Акмал Икромов тумани-да жойлашган 13-йил олдиде кесилган дарахт учун «Мардик сервис» ширкати раҳбарига,

Шайхонтоҳур туманидаги онкология илмий маркази худудида кесилган дарахт учун эса шу марказнинг хўжалик ишлари бошлиғи ҳисобиға жарима ёзилди. Шунингдек, шу каби ҳолға йўл қўйган «Ай-сөл» корхонаси раҳбарига, Қорасув-ИИ худудида жойлашган 546-боғча мудирасига, Юнусобод туманининг Ж. Обидова кўчасида яшовчи фуқаро В. Ва-лиев, Мирзо Улугбек туманидаги Янги тех-нологиялар республика касб-хўнар лицейи раҳбари ҳисобиға жарима солинди. Бундан ташқари, табиатга етказган зарарлари учун Мирзо Улугбек туманидаги янги техноло-гиялар республика касб-хўнар лицейидан 4985 сўм, Миробод туманидаги 126-сонли болалар боғчасидан 60315 бадал тўлови ун-дирилди.

Шахло АБДУЖАЛИЛОВА
Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ўсимликлар дунёси бўлимининг давлат ноэри.



№ 6 Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



мов, муртак безларининг яллиғланишида, безгак хуружидан фориғ этувчи ва даволоч-чи омил сифатида фойдаланилади.

Райхон сирка ва оз микдорда туз билан қайната ҳолида тишининг лорсиллаб огри-шини қолдиради. Райхон баргларининг шарбати ўрта қулоқ яллиғланишида фой-да беради.

Райхонни шунчалик таъриф этилишининг боиси бор. У ҳам бўлса, таркибидаги ши-фобахш омилларнинг мажмуаси билан ту-шунтирилади. Чунончи, унинг таркибида салмоқли микдорда эфир мойлари (5 фо-изгача), шопирувчи модда, ўткир маза бе-рувчи омиллар, органик ациллар, дармон-дорилар, маъданый унсурлар жо бўлган. Эфир мойларининг салмоқли ҳиссасини (55 фоиз) метилхавикол, цинеол, линало-ол, оцимен, пинен ва эвгеноллар ташкил қилади.

Ўзбек ошхонасида райхон ошқўк ва зи-равор сифатида кенг қўлланилади. Жум-ладан, райхон билан гўшти, ёғли масал-лиқларга таъм беришда, сабзавот ва ре-заворларни муҳимлашда атрофлича фой-даланилади. Райхоннинг яна бир аjoyиб хусусияти мева қоқиларини зараркунан-да ҳашаротлардан муҳофаза қилиши ҳисобланади.

Баъзан ёши муборак қариялар қулоқла-рига райхон чилписини қистириб юрганлик-ларини кўрамыз. Ёхуд мурғак райхон кўча-тини қушлар узиб кетиб, ортиқча ташвиш-лантиришини ҳам илғаймиз. Ваҳоланки, райхон таркибидаги буй берувчи моддалар ашаддий микробағра қаршилик қилади. Райхон касаллик илашмасликка маълум да-ражада хизмат қилади. Райхон барги бўлган қўш уясидаги полапонлар соғлом ўсади ва тезда парвозга шайланади.

СУЯНЧИҚ

Дарахт кўп йил яшаб қариган, шамолға дош бе-ролмай йиқилди.

— Олдимида тўғоноқ бўлиб турувди, қутулдим-а, энди роса яйрайдиған бўлдим,— деди йиқил-ган дарахтнинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳол.

Хиёл вақт ўтган шамол ниҳолға ҳамла қилди. Бўш-баёв ниҳол ўзини тугулмай ерга ёнбошлади. «Тўға-ноқни» эслади: «Билмаган эканман, меҳрибонгинам, қуриганингдайм сунянчим бўлган экансан-а?»

ЭГРИ ЙЎЛ

Ёғочни эндиғина кемтишға тушган қурт парма-ни кўриб билонглаб қолди:

— Келмасанг ўзим ҳам тешардим.

— Ёғочни увол қиласан. Неғаки, тешиш йўлинг ҳарён эгривди,— деди парма ишға тушаркан. — Яхшиси эғам келмасдан тезроқ қочиб қол.

ЖИНФИЛ

— Ёнғоқ тарвақайлаб истаганча жойни эғаллаб

ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси но-зирлари тез-тез жойларда бўлишиб у ерда йўл қўйилган камчиликларни аниқлашда ва бундай нуқсонларға имконият яратган айбдорларға нисбатан жарималар солишади. Куйида ана шундай жаримаға тортил-ган корхоналардан бир неча-сини эътиборингизға ҳавола этамиз.

◆ Чилонзор туманида жойлаш-ган «Биринчи Каттортол» корхона-сида рухсатсиз дарахт кесилган-лиги ҳолатиға дуч келинди. Бун-дай ўзбошимчиликка йўл қўйган корхона раҳбари Я. Бобомуродов 10.000 сўмлик жаримаға тортил-ди.

◆ Собир Раҳимов туманидаги «Муса Муҳаммад» хусусий фир-масида ифлослантирувчи модда-ларнинг меъёрий лойиҳаси иш-лаб чиқилмаган, шу туфайли унинг раҳбари Х. Тошмухамедов 16320 сўм микдорда жарима тўлашға мажбур бўлди.

◆ «ЕДО» масъулияти чеклан-ган жамияти раҳбари А. Певзнер ифлослантирувчи моддалар меъ-ёрий лойиҳасини ўз вақтида туз-маганлиги сабабли 16320 сўм жарима тўлади.

◆ «Тошкент—Осиё» хиссодор-лик жамияти бош нурсози Г. Исо-қов люминисцент лампаларни ўз вақтида яроқсизлантирмаганлиги учун 5500 сўм ҳисобида жарима тўлади.

◆ «Совпластитал» қўшма кор-хонасида зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдала-ниш қоидалари бузилган, бу ҳолға йўл қўйган Ю. Аристовға 6000 сўм микдорда жарима со-линди.

◆ Қишлоқ ва сув хўжалиги ва-зирлиғиға қарашли «Агросувтех-сервис» корхона раҳбари А. Ниг-матуллаев давлат экологик экс-пертизаси ҳулосасини олмаган-лиги сабабли 16320 сўм жари-мага тортилди.

◆ «Афалина» хусусий фирма-сида маиший чиқиндилар ўз вақ-тида олиб чиқиб кетилмаган, шу боисдан катта оператор А. Қўчро-ров ҳисобиға 6000 сўмлик жари-ма ёзилди.

◆ «Гамбринус» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д. Хонбеков экологик экспертиза ҳу-лосасини ўз вақтида олмаганли-ги унинг қўнғатағиға 6000 сўм за-рар келтирди.

◆ «Карвон—сервис» корхона-сида автотранспортлардан чиқа-ётган зарарли моддалар ўз вақ-тида текширилмаганлиги боис бошлик ўринбосари В. Солиҳов корхонанинг ҳўқуқшуноси 6000 сўмлик жаримаға тортилди.

О. РАҲМАТУЛЛАЕВА
тарғибот-ташвиқот бўлими.

Қаҳрамон

ётса ҳам, менга болта урасан. Бир бўйра жойға-ям ҳаддим сиймайдим, ҳақиқат борми? — дея жингилнинг фиғони ошди.

— Ҳақиқат бор, — деди ўтинчи унга, — ёнғоқ юз бўйра жойни эғалласа ҳам, шунға яраша элға нафи бор. Сенчи, бир бўйра жойнинг меҳ-рини ҳам оқламайсан. Умрингни бекор ўтказаясан.

АВВАЛ...

— Фойдали гиёҳмиз-де. Биздан қўк сомса ҳам қилишади, — дебди ялпиз исмалоққа.

— Фойдалигингиз кўпларға аён. Лекин сомса бузиб қадрланишингизда мени ҳам ўйлаб кўринг. Сизларни қовуштириб тандирға ёпилмасам қуруқ ўзингиз оловнинг тафтидан жизғанақ бўлиб ке-тардингиз, — дейди ҳамир.

— Тўғри, — деди исмалоқ ялпизға. — Бизни деб оловнинг тафтида қизариб қийналадиган бар-дошли ҳамиржонға раҳмат, дейлик аввал.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

• ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

ГАПИРУВЧИ ЛАЙЛАК

Италиянинг Александрия шаҳри ташқарисида яшовчи Донател-лалар оиласи айвонда нонушта қилиб ўтиришдан, қандайдир соя қуёш нурларини тўсди, бир лаҳза ўтмасдан столда лайлак пай-до бўлди.

Ҳамма қутилмаган ҳолатдан қотиб қолди. Қўш бўлса соф италян тилида «Салом, жаноблар! Мен жуда очман» деди. Ва у индамас-дан столдан макаронни олиб ея бошлади. Уй эгаси Бенито Дона-телло лайлакнинг столнинг устидаги ҳамма нарсани ейишини ку-тиб турди, сўнг қаққонлик билан ушлаб полға қўйди. Қўш ҳеч қар-шилиқ кўрсатмади. Кейинчалик аниқланишича, лайлак гастролда юрган кўчма циркдан қочган экан. Шу пайтгача бирон марта лай-лаклар гапирувчи қўш сифатида ўзларини кўрсатмагандилар, деб ёзади италян газетаси «Република».

ШАҲАР УЗРА УЧАЁТГАН ЎРГИМЧАК

Америкалик ҳайкалтарош Петрик Бремер ёғочдан бир неча юз баробар катталаштирилган турли ҳашаротларни ўяди.

Унинг уймаларидан улкан ўргимчаклар, ниначилар, қанчалар, қир-қоқлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳосил бўлади. Нобў ёғочдан фойдалангани учун у ясанган нарсаларига ўзига хос табиийлик ҳамда эластиклик бахш эта олади.

Бремер яқинда ўзининг «ҳашаротлари»ни Мексика шаҳарлари-дан бирида кўргазма қилиш учун олиб келди. Ҳайкалчаларни кўргаз-ма зали эшиги тағига тушираётганда кучли шамол кўтарилди. Натижада қирқоқ, чигиртка ва ўргимчак бўрон билан осмонға кўта-рилди. Улар шаҳар кўчаларидан унча баланд бўлмаган юқорилиқда «учишди». Уларнинг кўриниши шу даражада ғайриоддий эдики, одамлар ваҳимаға тушиб, ўзга сайёраликлар учиб келишяпти, деб ўйлашди. Полиция ва телевидение жуда қийинчилик билан одам-ларни тинчлаштиришди. Кўргазма очилганидан сўнг эса шаҳарлик-ларнинг барчаси келиб томоша қилишди. Натижада келтирган даромад ҳайкалчалар муаллифини ҳам, маҳаллий ҳокимиятни ҳам ҳурсанд этди.

Кўмита ноэирлари томонидан жорий йилнинг май ойида Чилонзор туманида жойлашган тўртта корхона назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-лаштирувчи Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси рух-сатномаси асосида текширилди. Текширишдан мақ-сад ушбу ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитға таъсирини ўрганишдан иборат эди.

ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

Тошкент каскади корхо-наси кўриб чиқилганда унинг Оқтепа ГЭСи худуди-да эҳтиёт қисмлар сақлаш омбори қурилиши учун давлат экологик экспертиза ҳулосаси олинмаганлиги са-бабли корхона раҳбарига нисбатан 6000 сўм жарима солинди.

«Жасур хизмат» хусусий фирмасининг асосий иш фаолияти аҳолиға маиший хизмат кўрсатишға қаратил-ган. Ноэирлар текширув да-вомида бу ерда ишдан чиқ-қан люминисцент лампалар-ни ўз вақтида яроқсизлан-тирмаганлиги учун корхона раҳбари ҳисобиға 6000 сўм жарима ёзилди.

О. ТУРОБОВ
ноэир.

• ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Халқимизда таҳсинга лойиқ амаллар бор. Агар киши бир бўйрача жой топса, уни жозибали ва фусункор бўлишиға ошқамиз. Вужуди хушбўй ўсимликлардан бўлиши гулу чечаклар қаторида лаззатли таомлар омили ҳожирайхон, сада-райхон, ошрайхон, жамбил кабиларни ўстириш хонадон соҳибининг орзуси.

Райхондан қўнча замоналардан бери халқ табобатида бир қанча хасталиклар давоси сифатида фойдаланиб келинган бўлиб, унинг хосиятлари ҳақида ўз даврида Диск-аридус ҳаким (Диоскорид) ҳам маълумот-лар қолдирган эди.

Райхон сўзи қўнча араб тилида «вужуди хушбўй ўсимлик» маъносини берган, фор-счада «исфаран» деб аталиб, «доимий қувонч» маъносини англатар экан.

Ўз даврида Абу Али ибн Сино қора рай-хон устида тўхталиб, хосиятларини баён этган эди. Жумладан, қора райхондан ўрин-

ли фойдаланилса, унинг суртмаси кўзининг лўқиллашиға фойда қилиши, юракка дармон киритиши, суви кон туфлашға фойда бери-ши, эмизикли аёлларнинг сутини кўпайти-риши, ични тўхтатиши, пешоб ажралиши-ни кўпайтириши, уруги қийналиб сийишда фойда қилишини кўрсатиб ўтган.

Ҳожирайхон бошқа райхон турлари каби қуоқ-суоқ таомларға қўшиб истеъмол этил-са, кишининг қайфиятини чоғлабгина қол-май, балки иштаҳага барака беради. Таом-ларни осонликча ҳазмлашда омилкорлик қилади. Табибларнинг таъсиясига қараган-

да, уни янчиб ёки ёғини олиб, малҳам қилиб бавосилға суртилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Замонавий тиббиётда қайд этилишича, райхон таркибидаги эфир мойлари меъда катариде яллиғланишға раддиялик қилувчи омилдир. Шу билан бирға райхон сийдик йўли касалликларида дардға эмлик қила-ди. Бундан ташқари, райхон йўталда, қиза-миқ асорати бўлганларға енгиллик беради.

Болгар халқ тиббиётида райхон асосида тайёрланган қайноқ дамламадан буйрак, қовуқ, сийдик йўллари шомоллашда, ту-

ХУШБЎЙ ЎСИМЛИК

Кўшиқларда она диёр мадҳи

Мамлакатимиз Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танлови маданий ҳаёти-мизда тобора кенг ўрин эгалламоқда. Мазкур тадбир бошқа соҳа вакиллари сингари Ички ишлар вазирлиги ходимлари ўртасида ҳам кўтаринки руҳда ўтаётди.

Ички ишлар идоралари ходимлари орасида жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва осоийшталлигини сақлаш ишида фаоллик кўрсатиш билан бирга, санъатда ҳам ўз истеъдодини намойиш этиб келаётганлари ҳам талайгина. Уларнинг ижодий изланишлари туфайли Она юртин, мустакил диёримизни тараннум этувчи кўпбала янги-янги мусиқий асарлар яратилмоқда.

Бу йилги кўрик-танловнинг Ўзбек миллий академик драма театрида ўтказилган якуновчи босқичида вазирлиқнинг барча тизимларида хизмат қилаётган кўшиқ ихлосмандлари қатнашди.

Танлов якунига кўра Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлими инспектори, милиция катта лейтенанти Алишер Ҳамроев ижро этган «Оғоҳлик» кўшиғи (Нуриддин Аминжонов шеъри, Нуриддин Хайдаров музикаси) бош соврин — Гран-прига сазовор бўлди.

Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси ёнгиндан сақлаш бўлими ходими Бахтиёр Раҳмонов ижро этган «Бу юртинг ёшлари» кўшиғи биринчи ўринни олди. Хайдар Муҳаммад шеъри ва Шермат Ерматов музикаси асосида яратилган ушбу кўшиққа биринчи даражали диплом берилди.

Фолиблар Ўзбекистон кўшиқ байрами кўрик-танловининг республика босқичида ўз маҳоратини намойиш этади.

ЎЗА

Иқтисодий ахборотлардан ўқув қўлланмаси

Интернет алоқа тизимидан ўқув жараёнларида фойдаланишга Тошкент Давлат иқтисодий университетидида катта аҳамият берилмоқда. Олий ўқув юртининг ЭИ ва АСУ кафедраси олимларининг олиб бораётган илмий изланишлари ҳам бевосита Интернет алоқа тизимининг иқтисодий томонларини ёритишга қаратилмоқда.

Самарали тадқиқотлар натижасида қатор янги дарслик ва ўқув қўлланмалари юзага келди. «Электронли коммерция» деб номланган ўқув қўлланмаси ҳам чоп этилди. Шу нашр орқали талабалар Интернет ёрдамида товарларни сотиб олиш ва сотиш, хизмат кўрсатиш малакасига эга бўладилар.

Бир гуруҳ олимлар муаллифлигида босмага тайёрланган «Интернет технологиялари» ўқув қўлланмасида эса Интернетнинг ички технологиялари масалалари ёритилди.

Кафедра жамоаси томонидан яратилган навбатдаги ўқув адабиёти «Ахборот тизими ва технологияларига кириш» деб номланди. Бу нашрда иқтисодий ахборотлардан фойдаланишнинг илмий асослари ўз ифодасини топди.

Акбар АЛИЕВ



ТАЪЛИМ

ХУНАРЛИГА ОМАД ЁР

Бир донишманд фарзандларига доимо шундай панду насиҳат қиларди: «Азиз ўғлонларим, хунар ўрганнгилар, зеро, дунёга эътиمود йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо хунар қайнар булок, туганмас давлатдир, агар хунардан молидан махрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки хунарни ўзи давлатдир. Хунардан қаерга борса, қадрланади ва унинг тўридан жой олади. Хунарсиз одам эса ҳаммаша машаққат чекади, тиламчилик қилади». Ушбу насиҳатдан келиб чиқи хулоса қилиш мумкинки, хунар турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири.

Шаҳримиздаги А.Хўжаев номи республика дизайн коллежи касб-хунар эгаларини тайёрлаб келаётган ўқув масканларидан биридир. Бу ерда айти пайтда миллий хунардончилигимизнинг 21 та йўналиши бўйича соҳа мутахассислари ўқитилмоқда.

600 талабага мўлжалланган даргоҳда айни пайтда 480 нафар ўқувчилар компьютер графикаси, рассоми, кулол-рассоми, либос бўйича рассоми, санъат дизайнери, ганчор-рассоми, шишадан бадий буюмлар лойиҳаловчи, миллий бадий тўқимачилик ва бошқа йигирмадан ортиқ йўналишлар бўйича хунар ўрганмоқдалар. Ўқув устакхоналари, клуб, спорт заллари, кутубхона, ошона, шишаб чиқариш амалиёти цехлари мавжуд бўлиб, ўқувчилар чуқурлаштирилган билим олиш билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказишга.

2002 йилда Нью-Йоркда расм, компьютер, мультимедия бўйича кўргазмада Республика дизайн коллежи ўқувчилари ҳам ўз асарлари билан иштирок этишди. Турли мамлакатларнинг 7000 нафар ижодкор ёшлари асарлари намойиш этилган кўргазмада 12 та иш совринли ўринларга лойиқ деб топилди. Шунингдек, республикада ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда коллеж ўқувчилари муваффақиятли иштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишгати. Масалан, шу йили ўтказилган «Қўли гул уста» танловида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритишди. «Миллий услубдаги замонавий либослар» кўрик-танловида олий мукофотга сазовор бўлишди.

— Турли ёшдаги аёллар, ёш болалар учун мўлжалланган миллий ва замонавий услубдаги кийим-кечаклар ти-



кишни қизларга ўргатамиз, — дейди Дилдора Хоруннова. — Яқиндан бошлаб эса келинларимиз учун ҳам либослар тиқилиши бошлаб юбордик. Бу турдаги либосни ижарага беришни йўлга қўйдик.

Дарҳақиқат, коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланаётган либослар дизайн жиҳатидан мамлакатимиздаги машҳур «Машхура», «Малика», «Чевар» каби фирмалар тиктаётган либослардан қилишмайди.

Фикримизнинг далили сифатида «ABADIY» Гонгконг фотомодель студияси коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган ишнинг эскизларини сотиб олди ва келажакда ҳамкорлик қилишни таклиф қилди.

— Коллежимизга 9-синфни тугаллаган иқтидорли ёшлар танлов асосида қабул қилинади, — дейди ўқув даргоҳи директори Шоносир Муродов. — Талабалар стипендия

билан ҳам таъминланадилар. 3 йил давомида билим олиб, хунар эгаллаган талабаларга ўз соҳалари бўйича иш олиб бориш учун йўлланмалар берилади.

Ха, ушбу коллежни давр талаби асосида фаолият олиб бораётган ўқув даргоҳларидан бири, десак асло янгилашмаган бўламиз. Зеро, ўқув даргоҳи Туркия, Германия, Япония ва Жанубий Корея сингари ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам маданий алоқалар ўрнатган. Келгусида бу маданий алоқалар жўғрофияси янада кенгайди, деган умиддамиз.

Дониёр КАМОЛ СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Саодат ҚОБУЛОВА, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори:

— «Майсаранинг иши» операси мен учун жуда қадрли ва азиз. Чунки 1958 йилда айнан шу спектакль илк марта ба сахна юзини кўрди ва мен унда Ойхон ролини ижро этганман. Бугун эса қизим Малика Маматова айнан шу спектакльда роль ўйнамоқда. Мен бу билан фахрланаман. Томошабин театрға келсин, опера эшитсин деб халқ қуйларидан фойдаланилган. Бироқ очигина айтсам, қуйланган қўшиқлар савиясидан кўнглим унча тўлмади. Опера тарғиботчиға муҳтож. Лекин шу спектакль яна сахна юзини кўрганидан жудаям бахтиёрман ва ижрочиларнинг барчасини табриқлайман.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси:

— Машҳур бастакор Сулаймон Юдаков асарлари, романслари жаҳон дурдона асарлари қаторидан жой олган.

«Майсаранинг иши» операси ҳам шундай асарларнинг энг сараси ҳисобланади ва театрда ягона комик операдир.

Мен театр жамоасини, ижрочиларини, музикачиларини чин қўнгилдан қутлайман.

Опера жанрининг театр соҳасида кенг қўлдан оммалашиб кетишини жудаям истардим.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

• ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ



«Майсаранинг иши» яна сахнада

Яқинда Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида «Майсаранинг иши» комик операсининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур асар охириги марта 1988 йил сахнага қўйилган эди ва шундан кейин қатор чет мамлакатларида ҳам намойиш қилинган.



амин бўласиз. Умуман бу спектаклдаги ҳар бир роль соҳиби ва соҳибаси ўз образини юксак савия билан ижро этган.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлур...

• Улуғ ҳикматли одам илтифот ва марҳамат қўлини кўпчилик манфаати томон очади. Агар рўзгор ҳодисалари унинг ҳиммат отини бу йўлда тойдирса, сабру бардош жловини қўлдан чиқармайди. Эл манфаати йўлида қилган хизмати учун бирор нарса тама қилмайди. Кўрмайсизми, қуёш ерга нурини ҳар қанча сочса ҳам, ердан бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Гул ўз хушбўйлиги билан ҳамманинг димоғини муаттар қилса ҳам, ҳеч кимдан мадад рўзсини хотирига келтирмайди.

Донишманд айтди:

Кимсага ҳаргиз суянмас
ҳиммат аҳли доимо,
Осмоннинг чодери тургай
танобу чўписиз.

• Бировдан озор толган киши уч ҳолдан ташқари бўлмайди: аввалги ҳол: унинг ёмонлиги баробарида яхшилик қилади, бу — олижаноб одамлар хислати. Иккинчи ҳол: унинг ёмонлиги баробарида яхшилик қилмас ҳам, унга ёмонлик соғинади, бу — ҳақиқатгўй одамлар хислати. Учинчи ҳол: ёмонлик баробарида унга ёмонлик қилади, бу — фосиқлар хислатидир. Ёмонлик қилган кишига яхшилик қилиш, қила олмас авф қилиш гўзал хислатлардан саналади.

Кимки истар халқро
бўлғай омон,

Яхшилик қилсин,
сира кўрмас зиён.

• Жуда кучли бир киши аччиқланиб бошқа бир кишига ҳужум қилмоқчи бўлиб турганда донолардан бири унинг сабабини сўради. Унга: «Фалон одам буни сўқди, шунга чиқолмай сўққан кишини урмоқчи бўлиб турибди», дедилар. Доно деди:

— Бу бечоранинг энг оғир тошни кўтаришга куч-қуввати етса ҳам, бир оғиз сўзни кўтаришга тоқати етмади-да...

Шижоат бирла зўру
мардликдан ҳеч лоф урма,
Ки нафс олдида ожиз,
нотовон оғзига тош урсанг.
Агар мард эрсанг этгил талх
ком оғзини сен ширин,
Эмасдир мардлик ул ким
биров оғзига тош урсанг.

• Озор уруғини сепган киши зарардан ўзга ҳосил олмайди, манфаат нихилини кўкартирган киши тинчлик, шодлик мевасини ёйди. Тоғ ёнида қичқириб нимани айтсангиз, акс-садо билан уша айтганингизни эшитасиз. «Нимани эксанг, шуни ўрасан», деган ҳикматли сўзни эсимиздан чиқармайлик.

Бу жаҳон бир тоғ,
кирдоринг нидо,
Сен нима айтсанг уни
айтар садо.

• Ўзига муносиб бўлмаган ишга киришган киши охири шарманда бўлиб қолади. Ҳар ишининг ўз устаси, ҳар мажлисининг ўзига муносиб сўзи бор. Оқил киши ўз ҳунарига, ўзига муносиб ишга киришади. Табиат устaxonасида ҳар кимнинг ўзига лойиқ кийим тикилган, ҳар ишнинг ўзига лойиқ либоси тайёрланган. Этиқдўз дўппи тикаман деса бузиб қўяди. Табобатдан хабари бўлмаган киши табибчилик қилса, касалларни ҳаётдан маҳрум қилади. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб бежиз айтмаганлар.

Топилмас майни кайфи
сирқадан ҳеч,
Бўлурми ҳеч тиканда
гул жамоли?

• ТАДБИРЛАР

Боланинг шахси ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камол топиши учун у оила ва жамият ғамхўрлигида меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарур. Шунда келажагимиз давомчиси мустақил ва соғлом фикр-мулоҳаза юритида ва у жисмоний, ақлий жиҳатдан юксакликка эришади.

СПОРТ — МЕНИНГ
ҚАНОТИМ

Сергели туманидаги «Ёшлик» маҳалласи ёшлари билан кўчма оммавий спорт ўйинлари мусобақаларининг ўтказилишидан мақсад ҳам ёшлар ўртасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини ривожлантиришдир. Қуни кеча «Ёшлик» маҳалласи болалар майдончасида тумандаги «Баҳор», «Ёшлик», «Оқибат» маҳаллалари болалари иштирокида оммавий спорт ўйинлари мусобақасининг биринчиси бўлиб ўтди. Мусобақа доим ўтказиладиган анъанавий тусда эмас, балки ўзига хос янгича усулда ташкиллаштирилди. У бир нечта маҳалла болалари ўртасида кечмади, балки маҳаллалардан йиғилган болалар Сардорлар ёрдамида 5 та гуруҳга ажратилди. Кейин гуруҳлар ўзаро куч синашди. Турнирда арқон тортиш, копток билан сакраш, бадминтон, тез югуриш, пенальти уриш, стол тенниси, баскетбол тўпини саватга тушириш каби қизиқарли ўйинлар ўтказилди.

Ушбу қизиқарли мусобақа «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази, туман «Камалак» болалар ташкилоти Сардорлар Кенгаши томонидан ташкиллаштирилди. Мусобақа ғолиблари «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Соҳиба УМАРОВА



СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» маҳалласида бўлиб ўтган кўчма спорт ўйинларидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



«02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Ўзгариш кўргониди яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х.Н. бўлса, ўз таниши, Чехов кўчаси, 21-уйда истикомат қилувчи фуқаро Р. Парпиеванинг хонадониди меҳмонда бўла туриб, уй эгасининг кўчага чиқиб кетганидан фойдаланиб, «LG» телевизор, аудио ва видеомагнитофонлари, тикув машинаси, телефон аппарати, 2 дон дазмол ҳамда чойшабларини ўмариб кетган. Туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу «меҳмон» далилий ашёлар билан қўлга олинди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари «Тун» тадбири давомида Қорасув-2 даҳаси, 23-уй, 38-хонадонга калит танлаш йўли билан кириб, ўғирлик жинояти содир этган киши нафаз шахси ҳам далилий ашёлар билан ушлашга муваффақ бўлдилар. Нафақахўр Ф. Чечек хонадонидан бир дон телефон аппарати, электр асбоби, битта биллур ваза ҳамда турли хил идишларни ўмарган Қорасув-2 да яшовчилар Х. Закир ва П. Еленалар энди ўйламай босган қингир қадамларидан қаттиқ пушаймондалар.

◆ Бектемир тумани ИИБ навбатчилик қисмига Федоров кўчаси, 8-уй, 1-хонадонда истиқо-

мат қилувчи фуқаро А. Патанов кўнгирок қилиб, дала ҳовлисида бир бош қўйи ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида хабар берди. Воқеа жойида зудлик билан ҳозир бўлган тезкор гуруҳ вакиллари сичковлик билан олиб борган қидирув ва суриштирувлари натижасида, ушбу жиноятни содир этган ўғрининг Т. Алим эканлиги аниқланди.

◆ Маълумки, гиёвандлик — жиноят, гиёванд эса жиноятчи ҳисобланади. Аммо баъзи нопок кимсалар билиб-билмай унинг гирдобига ғарқ бўладилар. Охириқибатда эса соғлиқдан, обрў-эътибори ва ҳатто эртанги кунидан ажралиб қоладилар. Сергели тумани, Дўстлик-2 мавзесида ўтказилаётган «Тозалаш» тадбири давомида милиция ходимлари ана шу хавфли ва мудҳиш иллатнинг асирига айланганлардан бирини қўлга олишга муваффақ бўлишди. Мазкур мавзеда яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат қилишга бўйин товлайдиган Х. Ботир исмли бу шахс эндиликда ёндан топилган 300 граммдан ортиқ марихуана гиёванд моддаси учун қонун олдида жавоб беради. Тошкент шаҳар ИИБ Матбуот маркази материаллари асосида Дилдора РАХИМОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳридаги Гранд Мир меҳмонхонасида Сорос жамғармаси — очик жамият институти томонидан наشر қилинган «Окно в прошлое», «Туркестан на старинных почтовых открытках (1898-1917)», «Этнический атлас Узбекистана», «Поэзия и Фергана» китобларининг тақдироти бўлиб ўтди.

МАЗУНИНГ ЯНГИ
ТАЛҚИНЛАРИ

Очик Жамият Институти ташаббуси билан ёруғлик юзини кўрган мазкур китоблар эски мавзуга янгича нигоҳ ташлаш хусусияти боис алоҳида аҳамият касб этади.

— Марказий Осиё мамлакатига оид мажмуаларимиз нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида қизиқарли уйғотмоқда, — деди институтнинг масъул ходими Александр Жумаев. — Борис Голендер қаламига мансуб «Окно в прошлое...» китоби «Марказий Осиё ёзма манбаларда, ҳужжат ва йилномаларда» туркумида чоп этилган учинчи рисола ҳисобланади. Бундан аввал шу туркумда Галина Пугаченкова, Мутал Бурхон хотиралари ёруғлик юзини кўрган эди. Унда муаллиф коллекциясидаги оқ-қора тасвирдаги суратлар ҳам ўрин олган бўлиб, булар эски замон тарихини пухта ўрганишда қўл келади. «Этнический атлас Узбекистана» илимий тадқиқоти эса Ўзбекистонда истикомат қилувчи миллатлар, этник гуруҳлар тарихи, урф-одатларига бағишланади. Умуман олганда, уччала китоб ҳис мавзуга янгича ёндошув жиҳатидан қадрлидир.

А. Жумаевнинг айтишига қараганда, «Поэзия и Фергана» баёзи ўзбек адабиётига муқобил сифатида тақдим қилинган. Мазкур баёзда Фарғона адабий мактабига дахлдор, айни пайтда Ўзбекистон, Россия, Австрия, Исроил, Америка Қўшма Штатлари, Финляндия, Голландия каби мамлакатларда яшаб ижод этаётган ижодкорлар асарлари жой олганди.

«Туркистон-пресс»

Спорт

Болажонларга
тухфа

Келагагимиз ворислари — болажонларнинг жисмонан соғлом, маънан етук шахс бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс эканлиги кундек равшан.

Акмал Икромов туманида бола-лар спортини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликларида туманда истиқомат қилаётган болажонлар учун спорт мажмуаси бунёдкорлар томонидан битказилиб фойдаланишга топширилди. Худуди 700 квадрат метрни ташкил этувчи ушбу спорт мажмуаси шахмат-шашка ва спорт залидан иборат. Дарвоқе, мутасадди ташкилотлар кўмагида замонавий услубда бунёд этилган ушбу спорт масканида келагагимиз ворислари футбол, стол тенниси, волейбол, кураш, каратэ билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Жаҳон
чемпионатида
қатнашишади

Шахримиздаги «Локомотив» спорт мажмуасида спорт «Қиролича»-си ҳисобланмиш бадий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Ушбу беллашувларда 1989 йилда туғилган 132 нафар иқтидорли қизлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Эндиликда ғолиблик шохсупасига кўтарилган Екатерина Бабина ва Раъно Мухамедовалар бадий гимнастика бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Байрамона тус
олди

Собир Рахимов туманида жойлашган Мирза Ғолиб ҳамда Беруний маҳаллалари жамоалари ўртасида спорт тадбирлари ўтказилди. 7 ёшдан 13-14 ёшгача бўлган болажонлар иштирокида уюштирилган спорт мусобақалари байрам тусини олди. Спортнинг футбол, волейбол, шахмат, шашка, югуриш, кураш, теннис, аркон тортиш каби турлари бўйича мurosасиз ўтган беллашувларда болажонлар чаққонликларини намойиш этишди. Мусобақа якунланган, унинг ташкилотчилари — Собир Рахимов туман ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг туман бўлимлари болажонларга эсдалик совғаларини топширди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ушбу Кенгаш аъзоси, «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ супермаркети бошқарувининг раиси Ҳабибулло Раҳматович Шариповга волидаи муҳтарамаси

ШАФОАТ ҲОЖИ АЯНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чукӯр таъзия изҳор этади.

Хизматдан ҳориб қайтган Дилноза шу хаёллар билан тезда кийимларини алмаштирдию дастурхон тузашга киришди. Одатдагидек меҳмонлар тун ярмидан оғганда жўнашди. У эринибгина столдаги бўш идишларни йиғаркан, жаҳли чиқиб дадасига қаради.

— Дадажон, оғайниларингиз билан кўчада учрашиб, гаплашсангиз бўлмайди? Ҳар кун дўстларингиз келишгани-келишгани. Уларга қараш, дастурхон тузаш, кетгунча ухламай ўтириш, кетишгач уйларни йиғиш лозим. Бундай ишдан келиб телевизор кўриб, ё газета ўқиб дам олишга вақт топилмайди. Ҳар кун шу аҳвол.

— Она қизим, — деди Хайрулла ака қизининг гапларини эшитган.

— Тушунаман, ёлғиз фарзанд бўлганинг учун ҳамма иш сенинг бўйингидан. Аммо меҳмон отангдек улуғ деб бежиз айтишмаган. Одам бор жойга одам келади. Яхши эмасми, сени кимдир кўргани, йўқлагани келса. Тасаввур қилгин-а, уйимизга ҳеч ким келмай қўйса. Қандай зерикарли. Тўғри эмасми?

— Ундан кўра ҳеч ким келмагани яхши, — деди жаҳл билан Дилноза.

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ўкинч

«Ҳар кун шу аҳвол, қачон қарама уйимиз тўла меҳмон. Бундай ишдан қарчаб келганимда дам олишга ҳам вақтинг бўлмайди.»

Орадан озроқ вақт ўтгач, Дилнозани келинлик либосида ўзга хонадонга олиб кетишди. У ҳайҳотдек ҳовлига келин бўлиб тушди. Қайнона-қайнотаси кексасиб қолишган. Баҳодиржон ёлғиз ўғил бўлгани сабабли Дилноза уй «қоровули»га айланди. Бу орада фарзандли ҳам бўлишди. Ҳўжайини эрта кетиб, кеч қайтади. Дилноза эса қайнона, қайнотаси ва фарзанди билан ҳар кун уйда ёлғиз.

Қизиги шундаки, уларнинг хонадонига бир-бир ташриф буюрадиган қариндош-уруғлардан ташқари ҳеч ким келмайди. Қайнона ва қайнотанинг меҳмондорчиликка тоқатлари йўқ. Тинчлари бузилармиш.

Бугун Дилнозанинг фарзанди 4 ёшга тўлди. Аммо уни қутлагани ҳеч ким келмаслиги аниқ. Телефон орқали Дилнозани муборакбод этишадилар, холос. Шулар ҳақда уйларкан, Дилноза бир вақтлар отасининг кўнглини беҳуда ранжитганини энди тушунди. Ҳовли худди уни ютиб юбораётгандай, кўзларида ёш қалқиди.

«Мен сизни тушунмаган эканман, дадажон, ўйламасдан дилингизни оғритган қизингизни кечиринг...»

Файзибону РАҲМАТУЛЛАЕВА

• ТАДБИРЛАР

Ўзбек адабиётида ўзининг жўшқин, лирик шеърлари билан алоҳида ўрин тутган шoirларимиздан бири Юсуф Шомансур тахсил олган Собир Рахимов туманидаги 11-мактабда яқинда файзли тадбир уюштирилди. Юсуф Шомансур номи билан юритилаётган мазкур илм даргоҳини бундан 30 йил аввал тугатиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган, ҳозирда турли касбда меҳнат қилиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган собиқ синфдошлар устозлари ҳамроҳлигида илм масканига ташриф буюришди. Тан олиш керакки, ушбу учрашув барчанинг кўнглини шод этди. Собиқ ўқувчилар дилдан суҳбат қуришиб, болалик хотираларини эслашди.

Файзли ўтган учрашув

— Бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмас экан, — дея сўз бошлади Мухтарам Ёқубова, — чунки анча йилдан бери дийдорлашмаган дўстларим ва устозларимни кўрдим. Улар билан мириқиб суҳбат қурдик. Болалигимни кўмсаётган ушбу лаҳзаларни сўз билан таърифлашга оҳимман. Менинг хаёт йўлимин таллашимда тўғри йўлни кўрсатган устозларимга, хусусан Туроб ака Юсуповга, Зокир ака Мухамедовларга катта раҳмат.

— Ўқувчиларимни кўриб қалбим шодлиққа тўлди, — дея суҳбатни давом эттирадиган устоз муаллим Туроб ака Юсупов, — яқиндагина шу йигит-қизлар жажжигина шўх-шодон болакайлар эди. Орадан йиллар ўтиб улғайишбди, хатто сочларига оқ оралабди. Шуниси кувончлики, шогирдларимизнинг бири олим, бири муҳандис, бири ўқитувчи қурувчи, бири журналист бўлиб мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига каттагина ҳисса қўшаётганликлари билан ўқитувчилар бениҳоя шод бўлди. Касбимизнинг ниҳоятда шарафли, масъулиятли эканлигини юракдан ҳис қилдик.

Ширин хотираларга бой ўтган собиқ синфдошлар ташкил этган тадбир давомида хонадалар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилгани ушбу учрашунинг серфайз ўтишини таъминлади. Тадбир якунида эса ўқувчилар томонидан устозларга совғалар тақдим этилди. Энг муҳими, синфдошлар бундан буён тез-тез учрашиб туришга келишиб олдилар.

Акбар Йўлдошев

• МАСЛАҲАТЛАР

САБЗИНИНГ
ХОСИЯТЛАРИ

Сабзи инсон организми учун жуда фойдалидир. Унинг таркибидаги моддалар кўзнинг равшанлашишига, тишининг мустаҳкам бўлишига катта ёрдам беради. Агар имконияти бўлса ҳар кун кечки овқатдан сўнг бир дона сабзи еб ётиш кони фойда. Бу тиббиётда ҳам тасдиқланган.

Гоҳо қуруқ сабзини еявериш меъдага тегиши мумкин. Бундай вақтда қуйидаги салатлардан аралаштириб еб туриш керак.

Сабзи ва лимон салат: 1 килограмм сабзи, 1 дона пиёз, 5 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 та лимоннинг шарбати, 3 қошиқ сметана, таъмига қараб туз.

Бу салатни тайёрлаш учун йирик ва қип-қизил сабзилар танлаб олинди, тозаланди, ювилади ва йирик тишли қирғичдан ўтказилади. Пиёз эса майдалаб тўғрилади, сабзи билан аралаштирилади. Сўнг устига аввал ўсимлик мойи, лимон шарбати ва сметана қуйилади. Тайёр бўлган салат ейиш ёки дастурхонга тортиш олдида яна бироз сметана қуйиб юборилса таъми янада хушхўр бўлади.

Сабзи ва бодрингли салат: 3-4 дона сабзи 3 дона бодринг, тўғралган 3 қошиқ укроп, ярим стакан сметана, таъмига қараб туз ва шакар. Тозаланган сабзи йирик тишли қирғичдан ўтказилади, бодрингни пўсти арчибли, тўртта бўлиниб майдалаб тўғрилади. Қирғичдан чиққан сабзи, тўғралган бодринг, укроп, сметана, таъмига қараб туз ва шакар солиниб аралаштирилади. Тайёр бўлган салатни идишларга солиб еявериш мумкин.

Бу салатни узлуксиз қилиб еб турилса, улар таркибидаги моддалар нафақат кўз ёки тиш учун, балки бошқа аъзоларга ҳам жуда фойдалидир. Асосийси бу маҳсулотларни барчаси бизни юртимизда йил бўйи мавжуд.

Одил ХАСАНОВ тўплади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2003 йил 1, 8, 15, 22, 29 август ва 5, 12, 19, 26 сентябрь кунлари соат 11.00 да кимошди савдоларини ўтказди.

Кимошди савдоларига

Қуйидаги «MB-MEXANIZATOR» ОАЖ. Ички ишлар вазирлигининг Тошкент вилоят бошқармасига қарашли ҳамда давлат даромадига ўтказилган автотранспорт воситалари қўйилган

№	Автотранспорт воситаси русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, сўм
1	Бульдозер ДЗ 162	1991 й	1.853.451
2	Минорали кран КБ-100	1976 й	5.663.800
3	Минорали кран КБ-403	1987 й	13.082.200

4	Гусеница кран РДК 25	1988 й	4.118.300
5	Зил 130	1973 й	1.157.369
6	Зил 4505	1987 й	906.225
7	Зил 45021	1991 й	1.125.606
8	Зил 4502	1988 й	906.225
9	Зил 431410	1987 й	1.014.410
10	МАЗ 5335	1986 й	1.215.325
11	МАЗ 5335	1985 й	1.215.325
12	РАФ-2203	1988 й	564.000
13	КамАЗ-53212	1993 й	2.000.000

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй. Ариза ва гаров пуллари юқоридagi манзилда жойлашган «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси томонидан 2003 йил 1 июлдан бошлаб қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-22-98.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-21-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъб, офсет усулида
босилади.
4204 нускада босилиши. Қўроғи биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Намр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10 рақамли бўлиб рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.